

## Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 385-ҳадис

385 - وَعَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ: أَئِنَّ  
الْمُتَحَابِّونَ بِجَلَالِي؟ الْيَوْمَ أُطْلُلُهُمْ فِي ظِلِّي يَوْمٍ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلِّي». رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [2566]

385. У кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Аллоҳ Қиёмат куни шундай дейди: «Жалолим учун бир-бирини яхши кўрганлар қани? Бугун Ўз соямдан ўзга соя йўқ кунда уларни Ўз соямда соялантираман»**, дейди».

*Имом Муслим ривояти.*

**Шарҳ:** Албатта, Аллоҳнинг жалоли ила муҳаббат қилишганлар фақатгина яхши йўлда бўлурлар. Шунинг учун ҳам улар қиёмат куни мазкур олий мақомларга сазовор бўлурлар. Шунинг учун мўмин-мусулмонлар бир-бирлариға фақат Аллоҳ таоло учун муҳаббат қилмоқлари ва ўша муҳаббатга лойиқ бўлиб яшамоқлари лозим.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

